



Савол:

Ассалому алайкум ва рахматуллохи ва барактух. Аввалам бор мусулмонлар учун шундай енгилликларни ташкил килганингиз учун, Аллоҳ сизлардан рози бўлсин. Менинг саволим шуки, Абдулвалий кори аканинг дарсларини тинглаганимда, куйдириб даволаш мумкин эмас деб айтганларини эшитиб, кандай даволаш хакида гапирганларини тушуна олмадим, иложи бўлса шуни менга мисоллар билан тушунтириб берсангиз. Эътиборингиз учун катта рахмат.

Жавоб:

Ва алайкум ассалам ва роҳматуллохи ва барокатух. Шундай фасод замонда, интернетдек кенг тармокли замонавий воситадан динини ўрганишга харакат килаётган сиз каби азиз ўкувчиларимиздан хам Аллоҳ рози бўлсин.

Куйдириш билан даволаш арабларда аввалдан маълум бўлган. Шунинг учун пайгамбар соллаллоҳу алайхи ва саллам бу каби даволашнинг бўладиган ва бўлмайдиган турларини айтганлар. Куйдириб даволашга мисол келтирадиган бўлсак: баъзи яраларга темирни кизитиб босилади ва шу билан яра тезда битади. Аёлларда кўплаб учрайдиган касаллик, “Эрозия” хам кўпинча куйдириш билан даволанади. Сўнгги йилларда юртимизга Хитой табобати кириб келгандан кейин шамоллаган ўринлар, бел ва оёкларни куйдириб даволаш анча кўпайди. Куйдиришнинг турли йўллари бор. Унда факат темир киздириб босилмайди.

Унинг мумкин эмаслиги эса, бутунлай харом дегани эмас. Уни килган одамлар расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам хабар берган,

жаннатга бехисоб кирадиган етмиш минг кишининг каторидан ўрин олишдан маҳрум бўладилар. Чунки, расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам “...улар куйдириб даволанмайдилар...” деб марҳамат килганлар.